



**Тошкент шаҳридаги “АДЖУ” университети
ва “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ”
давлат унитар корхонаси**

АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ

Тошкент шаҳри 2022 й.

Тошкент шаҳридаги “АДЖУ” университети ва “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” давлат унитар корхонаси, олий таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш узвийлиги ҳамда узлуксизлиги тамойили, шунингдек, жаҳон таълими ва илмий ҳамжамиятига интеграциялаш асосида ривожлантиришни кўзлаб;

таълим ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги орқали фан, техника ва технология ютуқларидан самарали фойдаланиш, бозор иқтисодиёти муҳитида таълим ва ишлаб чиқаришни рақобатбардошлигини ошириш мақсадида кадрлар тайёрлашнинг замонавий ва мукамал тизимини жорий қилиш;

халқаро таълим стандартлари асосида тайёрланган, юксак касбий билим ва маҳоратни эгаллаган ижодкор, ташаббускор ва мустақил қарор қабул қилиш қобилиятига эга стратегик фикрловчи салоҳиятли кадрлар етиштириш;

таълим дастурларини ишлаб чиқариш талабларига мослаштириш, бўлажак кадрларга бўлган касбий ва малакавий талаблар ҳамда эҳтиёж ҳажмини компаниялар таклифлари ва тажрибалари асосида шакллантириш мақсадида **қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

1. АНГЛАШУВНИНГ МАҚСАДИ

Томонлар ушбу Англашув Меморандумини ўзаро ҳамкорликнинг умумий тамойиллари замирида, унинг қоидалари ҳамда амалдаги қонунчилик, соҳага оид давлат дастурлари ва Низомларига амал қилиб, ваколатлари доирасида кадрларни малакасини ошириш соҳасида икки томонлама манфаатли ҳамкорликни қўллаб қувватлайдилар ва ривожлантирадилар.

2. АНГЛАШУВ СОҲАЛАРИ

Томонлар, белгиланган мақсадларни амалга ошириш йўлида қуйидаги соҳаларда ҳамкорликни қўллаб-қувватлайдилар ва ривожлантирадилар:

➤ умумий манфаатга доир масалалар юзасидан маълумотлар, тажриба ва амалиёт алмашилиши;

➤ “Университет”нинг ўқув жараёнига илғор технологиялар, фан ва техника йўналишида энг янги ютуқларини жорий этишга кўмаклашиш;

➤ “Корхона”нинг мутахассисларга бўлган талаби асосида “АДЖУ” Университети (Корея Республикаси) билан келишилган ҳолда “Корхона” учун кадрларнинг малакасини оширишни босқичма-босқич жорий этиш;

➤ “Университет”нинг тегишли таълим йўналишлари бўйича талабаларни 2-босқичдан бошлаб “Корхона”да малакавий амалиётлари тизимли равишда ўтказилишини ташкиллаштириш бўйича ҳамкорлик қилиш;

➤ “Корхона” томонидан архитектура ва қурилиш соҳаларининг истиқболда кадрларнинг малакаларини ошириш бўйича буюртмаларини шакллантириш, ўқув жараёнига қўйиладиган соҳавий талабларни ҳамкорликда ишлаб чиқиш;

➤ профессор-ўқитувчилар, таянч докторантлар, мустақил изланувчилар ва

иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот салоҳияти ва фаолиятидан “Корхона” томонидан унумли фойдаланган ҳолда уларни ривожлантиришга кўмаклашиш;

➤ амалий билим ва кўникмаларни шакллантириш мақсадида “Университет” таълим жараёнига “Корхона”нинг малакали мутахассисларини жалб қилиш;

➤ курилиш ва лойиҳалаштириш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ва инновацион ғояларни амалга ошириш бўйича ҳамкорлик қилиш;

➤ Корея Республикаси ва бошқа ҳорижий давлатлар корхоналари билан лойиҳа-смета шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ҳамкорлик ўрнатишни ташкил этиш;

➤ таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни чуқурлаштириш учун ҳамкорликда илмий мақолалар тайёрлаш ва уларни нашр қилиш, конференциялар, симпозиумлар, семинарлар ва бошқа турдаги тадбирларни ўтказиш;

3. АНГЛАШУВНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

Томонлар мазкур Меморандумнинг 2-қисмида назарда тутилган ҳамкорликларни амалга оширишда ҳар бир ҳамкорлик предмети тафсилотларини алоҳида ахдлашувлар орқали амалга оширадилар.

Томонлар ўзаро келишувига биноан ушбу Меморандум мақсадлари учун бошқа шерикларни, ҳамкорларни жалб қилишлари мумкин.

4. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ

Интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимояси амалдаги қонунчилик ҳамда Томонлар иштирокчиси ҳисобланган халқаро битимларга мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

Томонлардан бирининг махсулот номи, фирма белгиси ёки расмий эмблемасидан иккинчи Томон тарафидан нашр, ҳужжат ва бошқа усулларда фойдаланиш, биринчи Томоннинг ёзма рухсатисиз таъқиқланади.

Махсулот (кашфиёт, ихтиро) Томонларнинг биргаликдаги фаолияти ёки Томонларнинг ўзаро ҳамкорликда амалга оширилган тадқиқотлар натижасида яратилган бўлса, ўзаро келишувга мувофиқ ҳар иккала Томонга тегишли ҳисобланади.

Томонлардан бирининг якка фаолияти ёхуд амалга оширган тадқиқотлари натижасида яратилган махсулот (кашфиёт, ихтиро) фақат ўша Томонга тегишли ҳисобланади.

5. МАСЛАҲАТЛАШУВ

Томонлар ушбу Меморандумни қўллаш юзасидан ўзаро келишилган вақтларда маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

Томонлар мазкур Меморандум мақсади ва унда белгиланган вазифаларни ўз томонларидан амалга оширилишига бевосита масъул жавобгар бўлган шахсларни белгилайдилар.

6. ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

Иштирокчиларнинг ўзаро келишувига мувофиқ, унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ҳамда алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

Мазкур Меморандум халқаро шартнома ҳисобланмайди ва халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

Меморандум доирасида иштирокчиларнинг ўртасидаги ҳамкорлик Иштирокчилар давлатлари қонунчилиги асосида амалга оширилади.

Меморандумни талқин қилиш ёки қўллаш билан боғлиқ барча келишмовчиликлар иштирокчилар тарафидан маслаҳатлашувлар орқали ҳал қилинади.


8. Меморандумни амал қилиш муддати

Ушбу Меморандум имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва иштирокчилардан бири унинг қўлланилишини тугатиш нияти тўғрисида бошқа иштирокчининг тегишли ёзма хабарномасини олган санадан бошлаб 3 ой ўтгунга қадар амалда бўлади.

Мазкур Меморандум 2 (икки) асл нусхада, ҳар иккиси ҳам ўзбек тилида тузилди.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ

Тошкент шаҳри
Аджу Университети ректори



Муратов Гайрат Азатович

2022 йил "14" январь

“Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ”
давлат унитар корхонаси
Бош директори



Элмурадов Бобир Хамидович